
Ёшларни илм – фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этиб, иқтидорларини рўёбга чиқариш ҳамда илмий ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда, иқтидорли ёшларни нуфузли олимпиадалар, мусобақалар ва танловларда салмоқли натижаларга эришишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш, самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йилнинг 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-4433-сонли Қарори қабул қилинди.

Қабул қилинган ушбу Қарор билан Ўзбекистонда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси юридик шахс мақомисиз ташкил этилиб, унга ўзларининг инновацион лойиҳалари ва фояларига эга иқтидорли ёшлар ва талабалар, 40 ёшгача бўлган олимлар ва тадбиркорлардан ташкил топган жамоалар танлов асосида қабул қилинади.

Шунингдек, Ёшлар академияси аъзоларининг илмий-ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг 1 апрелига қадар қуйидаги платформалар ташкил этилиши белгиланган:

“Фоялар генераторлари” – Ёшлар академиясининг асосий йўналишларига тегишли бўлган маълум бир муаммонинг ечимига қаратилган инновацион фояга эга жамоалар платформаси;

“Стартаплар” – ўз фояси ва ушбу фояни амалга оширишга қаратилган стартап лойиҳалари ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ режага эга жамоалар платформаси;

“Бизнес вакиллари” – фаолиятида илм-фан ва инновация ютуқларини қўллаган ва тегишли соҳада камида 1 йиллик тажрибага эга бўлган жамоалар платформаси;

“Бўлажак академиклар” – юқоридаги платформаларда фаол иштирок этган, мамлакатнинг илм-фан ривожланишига катта ҳисса қўшаётган юқори илмий салоҳиятга эга олимлар платформаси.

Ҳужжатда белгиланганига кўра, Ёшлар академияси фаолияти доирасида мамлакатимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган сунъий интеллект, қайта тикланувчи энергия манбалари, робототехника ва мехатроника, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноат дизайни, 3D моделлаш ва бошқа истиқболли йўналишларда амалий, инновацион ва стартап лойиҳалари амалга оширилади.

муаллиф: Ўзбекистон туман адлия бўлими бошлиғи З-даражали юрист Ф.Санаев
2019-09-30 10:45:49